

“ТАСДИКЛАЙМАН”
ўқув ишлари бўйича проректор
_____ Юлдашев З.
2009 йил “_____” _____

“ТИББИЙ ФАНЛАР АСОСЛАРИ” фанининг

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	700000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	720000 – Соғлиқни сақлаш
Таълим йуналиши:	5720800 – Клиник фармация (5720500 - фармация)

Умумий ўқув соати:	100
Шу жумладан маъруза:	20
Амалий машғулотлар:	40
Мустақил таълим:	40

Тошкент 2009 й.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент фармацевтика институтининг Марказий услубий кенгашининг 2009 йил __- сонли мажлисида муҳокама этилди ва мақулланди.

Клиник фармация йуналишининг ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Миртурсунова С.З – Ботаника, физиология ва микробиология кафедрасининг доценти, биология фанлари номзоди.

Багдасарова Э.С – Ботаника, физиология ва микробиология кафедрасининг доценти, биология фанлари номзоди.

Салибаева С.О. – Ботаника, физиология ва микробиология кафедрасининг ассистенти.

Такризчилар:

Алиев Х.У.– Тиббий фанлар кафедрасининг мудири профессор, т.ф.д.

Алматов.К.Т – Ўз.Р.Миллий Университети одам ва ҳайвонлар физиологиясининг мудири профессор, б.ф.д.

Фаннинг ўқув дастури тиббий – биологик фанлараро услубий кенгашининг 2009 йил “ ____ ” даги “ ____ ” сонли қарори билан тасдиқланди.

Фанлараро услубий кенгаш раиси:

2009 йил “ ____ ” _____ проф. Алиев Х.У

Фаннинг ўқув дастури Тошкент фармацевтика институтининг Марказий услубий кенгашида тавсия қилинган.(2009 йил _____-сонли баённома).

Кафедра мудири

2009 йил “ ____ ” _____ проф. Аҳмедов Ў.А.

Кириш

Тиббий фанлар асоси фанининг мақсади тиббий-биологик фанлар ва кимё фармацевтика соҳаларида талабаларга бу фаннинг тутган ўрнини ўргатиш. Тиббий фанлар асоси фани анатомия, физиология, патологик физиология, патологик анатомия, биокимё, фармакология, клиник фармация фанлари негизини ташкил этади. Бу фаннинг асосий мақсади талабаларга организмнинг меъёрдаги ва касаллик ҳолатидаги моддий асосларини морфологик моҳиятини ўргатишдан иборат. Ишчи ўқув дастурида таълим олувчининг мустақил билим олиши, изланиши учун имконият бурадиган, ўқитиш жараёнини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этилишига алоҳида эътибор берилди.

Тиббий фанлар асослари фанининг мақсади ва вазифалари

Тиббий фанлар асослари олий таълим тизимида тиббий-биологик фанлар ва кимё фармацевтика соҳаларининг яқинлашувида муҳим вазифани ўтайди. Ушбу фаннинг асосий мақсади, у касал организмдаги ҳаётий жараёнларни ўрганади.

Бу фан асосан ҳаётий фаолиятнинг бузилишининг келиб чиқиши ва ривожланиши қонуниятлари ва уларнинг сабаблари, типик шакллари, механизмлари, оқибатлари ва организм учун аҳамияти ҳақида умумий тасаввурлар беради.

Тиббий фанлар асослари фани тиббиётнинг ҳамма соҳалардаги мужассамлашган тажриба асосида ўз тасаввурлардан, кенг биологик ва методологик қарашлардан, алоҳида клиник фанларнинг аниқ материаллардан фойдаланилгандир.

Маълумки, умумий патология соҳасидаги тўпланган билимлар турли медицина соҳасидаги мутахассислар учун, шу жумладан фармацевтлар учун умумий патология турли аспектларнинг нисбий қисмлардан фармацевтика билимининг ўқув планига ва унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, турлича бўлиши мумкин.

Тиббий фанлар асослари курсининг биринчи асосий вазифаси шундан иборатки, талабалар типик жараёнларнинг сабабларини, механизмларини ва асосий кўринишларини, яллиғланиш, тромбоз, эмболия, ўсмалар, шиш, иситма, гипоксия, моддалар алмашинуви бузилишининг асосий шакллари, оғрик, шок ва бошқа фавкулотдаги экстремал ҳолатларни ҳамда айрим физиологик аъзолар тизимларининг типик бузилишлари ҳақида билимга эга бўлишлари керак.

Ундан ташқари, талабалар организм учун зарарли таъсир қиладиган ва ҳимоя – мослашув патологик жараёнларнинг бир – бирига алоқадорлиги, ва касалликнинг ҳар – хил босқичларида ўзгариб туришлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак.

Тиббий фанлар асослари фанининг иккинчи вазифаси шундан иборатки, талабалар асосий патологик жараёнларнинг ривожланишида фармакологик аралашувларнинг йўллари ва оқибатларини ҳам ўргатади. Юқорида таъкидлаган фикрлар фармацевтика билимларини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларини ташкил қилади.

Тиббий фанлар асослари фани буйича талабаларнинг билимига, кўникмасига ва малакага қўйиладиган талаблар;

Тиббий фанлар асослари фанини ўрганиш натижасида талабалар куйидаги назарий билимларни ўзлаштиришлари лозим;

- умумий нозологиянинг асосий тушунчаларини;
- хужайра шикастланиш сабаблари. қайтар ва қайтмас морфологияси. Хужайра дистрофияси.
- касалликлар келиб чиқиш сабабларини, шарт – шароитларини, организмнинг реактивлик хоссаларини, касалликнинг ривожланиш оқибатларини;
- тўқима ва аъзолар алътерацияси. Дистрофиялар;
- аъзо ва системада кечадиган бузилишларнинг кўринишлари;
- патологик жараёнларни ўрганишда экспериментал усулнинг аҳамияти;
- Республикамизда соғлиқни сақлаш ва профилактика ишларини ривожлантиришда умумий патологиянинг аҳамияти;
- Тиббий фанлар асослари масалаларини материалистик назарий асосида анализ қилиниши;

- Тиббий фанлар асослари курсида олган билимларни фармакология, фармакотерапия ва бошқа фанларни ўрганишда ҳамда кейинги ишлаш фаолиятида қўллашни;

-Ҳайвонларда эксперимент ўтказиш, уни планлаштириш ва олган натижаларни статистик таҳлил қилишни;

Тиббий фанлар асослари фанини ўқитиш, систематик маъруза ўқиш, лаборатория машғулотлар, тест назорат дарсларини ўтиш билан олиб борилади.

Маъруза ўқишда эксперимент ўрнини босиб оладиган кўргазмали куроллар: диафильмлар, диапозитлар, йирик формали расмлар, атласлар, таблицалар, ўқув кинофильмларидан фойдаланилади.

Амалий машғулотларда эса талабаларнинг ўзлари мустакил равишда ҳайвонларда тажриба ўтказишлари, тажриба баёнини ёзишлари, олган натижаларни анализ қилишлари ҳамда тайёр мазоклар, препаратлар, гемограммалар, электрокардиограммалар, биохимик анализларни текширишлари ва синов масалаларини ечишлари керак.

Элементар муолажаларни режалаштириш ва лаборатория ҳайвонларида тажрибалар қўйишни ўрганиб олмоқ.

А) оғриқсизлантириш, тери, тери остига, мушак ичига, бўшлиқ ичига инъекциялар қилишни бажариш.

Б) қон олиш, тана ҳароратини ўлчаш, қон – томир ва нервларни ажратиш.

В) юрак, чарви, тил, сузгич парда, препаратларни тайёрлаш.

Г) оддий хирургик операцияларни бажара олиш ва машғулот дастурига мувофиқ патологик жараёнларнинг экспериментал моделларини ясаш.

-Ҳайвонларда ўткир ва сурункали тажрибалар қилиш.

-Тажриба қуйилган ҳайвонларда ЭКГни ёзиш, ЭКГ маълумотлари асосида аритмия борлигини ва миокард некрози белгиларини аниқлаш.

-Препарат (Романовский – Гимза методи буйича бўйлаш) тайёрлаш.

-Қон суртмасида лейкоцитар формулани ва ретикулоцитлар миқдорини ҳисоблаш.

-Экспериментал ҳайвонларда эритроцитлар, лейкоцитларни санаш ва гемоглобинни миқдорини аниқлаш.

-Қон суртмасида қонни патологик шаклли элементларини аниқлашни ўрганиш.

-Сийдик анализига асосан бўйрак функцияси бузилишларига характеристика бериш.

-Қон, сийдик анализлари асосида сарикликларни ажратишни билмоқ.

-Қон ва сийдик анализлари маълумотига кўра кислота – асос мувозанатини бузилишларини аниқлай билиш.

-Қоннинг газли анализларига кўра гипоксия борлигини аниқлаш.

-Меъда шираси анализига кўра меъданинг секретор функциясини бузилиши борлигини аниқламоқ.

-Ҳарорат эгри чизигини тузиш ва иситма реакция типларини аниқлай олиш.

-Асосий диагностик алергик синовлар натижаларини баҳолай олмоқ,.

-Эксперимент натижаларини анализ қилишни билмоқ, оддий ишлов бермоқ ва ҳулоса қилмоқ.

Тиббий фанлар асослари фанини режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жихатидан узвий кетма кетлиги

Тиббий фанлар асослари фанини ўрганишда физиология билан одам анатомияси, биокимё, микробиология, умумий биология ва фармакология фанларини материалларидан кенг фойдаланилади. Бу фанлардан олинган билимлар фармацевт учун нихоятда аҳамиятли бўлиб улар ёрдамида касалликларни ривожланиш механизми, уни даволаш ва олдини олиш каби муҳим тушунчаларни бўлажак фармацевт эгаллаши лозим.

Одам анатомияси ва физиологияси курси:

- Одам организмнинг асосий системаларни (юрак қон томир, нафас, эндокрин, айрув ва х.к.) аъзоларини тузилиши ва функциясини
- Ҳазм физиологияси
- Ички муҳит (гомеостаз) тушунчаси
- Модда ва энергия алмашинуви. Терморегуляция.
- Анализаторларнинг тузилиши ва функцияси.

Биологик кимё курси:

- Органик моддаларнинг тузилиши ва хоссалари.
- Организмда кечадиган ҳаётий жараёнлар (модда ва энергия алмашинуви)
- Витаминлар хиллари таркиби ва аҳамияти
- Модда алмашинуви бузилиши механизмлари.

Умумий биология курси

- Хужайра биологияси;
- Хужайра назарияси ва унинг моҳияти;
- Хужайра эволюцияси;
- Хужайра таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари.

Микробиология курси:

- Патоген ва патоген бўлмаган микроорганизмлар тўғрисида тушунча
- Иммунокомпитент система тўғрисида тушунча.
- Тери таносил касалликлари, қўзғатувчилари кечиши.

Юқумли касалликларни кечиши, даволаш, олдини олиш усуллари.

Фармокология курси:

- Дори моддаларни хиллари, таъсирланиш механизмлари
- Юрак қон – томири касалликларини даволашда ишлатиладиган дори – дармонлар.

Тиббий фанлар асослари фанини ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Тиббий фанлар асослари фанини назарий томонларини ўрганишда ҳозирги замонда кенг қўлланилаётган компьютердан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фаннинг барча бўлимлари бўйича тест саволлари тузиб, компьютерга киритилади ва компьютер орқали талабаларнинг билим даражаси мунтазам текширилиб борилади. Ана шу усулда ўқув жараёни тугаганида талабаларнинг билим даражаси компьютерда (ЯК) текширилади. Бундан ташқари патология фани бўйича етук доцент ва профессорлар томонидан ўқиладиган барча маърузалар видео тасмаларга туширилиб ва маърузалар матнлари компьютерга киритилиб, талабаларга қолдирилган дарсларини ўзлаштиришлари учун фойдаланилади. Шундай қилиб, ҳозирги замонавий усуллар компьютер, видео тасмалардан фойдаланиш ўқув жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Тиббий фанлар асослари фанини ўқитиш ҳозирги замонавий усуллардан кенг фойдаланишни тақозо этади. Маъруза вақтида талабаларга кинофильмлар, диафильмлар, слайтлар наъмунавий кўргазмаларида кенг фойдаланилади. Масалан, қон босимини ўлчаш. Информация воситалари сифатида жадваллар, муляжлар, макропрепаратлардан, кафедра кичик анатомия музейидан фойдаланиш зарур бўлади. Ўтказилиши қийин тажрибалар ёки муляжлар аввало видео тасвирга туширилиб, сўнг талабаларга кўрсатилади.

Фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти

Тўр	Фанни бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар		
		Жами	Маъруза	Амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари
	ТФА	100	20	40
	Мустақил иш			40
	жами			

Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажарилиш муддатлари	Ҳажми (соатлар)
1	2	3	4
40	20	Семестр 40 соат	2

АСОСИЙ ҚИСМ (маъруза)

1. Альтерация. Хужайра алтерацияси. Этиологияси. Хужайра дистрофияси. Некроз. Турлари. Ўлим. (2 соат)

Хужайра альтерацияси ҳақида тушунча. Хужайра шикастланиши механизмларининг сабаблари (механик, кимёвий, биологик, физикавий, гипоксия, дори препаратлари, иммун реакциялари, генетик бузилишлар, овқатланишнинг бузилиши, қариш). Р.Вирховнинг (1855) хужайра патологияси нуктаи назардан хужайра меъёрий ва патологик ҳолатларда бирламчи ҳаёт элементидир. Бу элемент ичидаги субстанциялари физик ва кимёвий қоидаларга мувофиқ бир – бирига таъсир кўрсатади. Хужайра органеллалари – хужайра ядроси, ядрочаси, метохондриялар, рибосомалар, Гольжи аппарати, донатор ва силлиқ эндоплазматик тури, лизосомалар бир – бири билан маҳкам боғланган. Шу муносабат билан улардан бирортасининг зарарланиши, шикастланиши бутун хужайранинг зарарланишига олиб келади. Хужайра альтерацияси . хужайра тузилишининг бузилиши, бундай ҳодиса молекуляр, субмикроскопик ва микроскопик доирада юз бериши мумкин. Бундай ҳодиса пировард натижада хужайра фаолиятининг издан чиқишига, патологик жараён бошланиб, касаллик пайдо бўлишига олиб келади.

Моддалар турига қараб, оксилли, ёғли ва углеводли дистрофиялар фарқланади.

2. Адаптацион ва компенсатор жараёнлар. Гипертрофия. Гиперплазия. Турлари. Атрофия. Метаплазма. Дисплазия. (2 соат)

Хужайра ўзининг атрофдаги микродунёсида бўладиган ўзгаришларига тинмай мослашиб боради. Шу муносабат билан у ўзининг тузилиши ва функциялари муқом ўзгариб турмайдиган бўлса яшай олмайди. Адаптацион ва компенсатор жараёнларга гипертрофия, гиперплазия, атрофия, метаплазия, дисплазиялар киради. Гипертрофия хужайра ўлчашларининг катталашувидир. Атрофия хужайра субстанцияси йўқолиб кетиши туфайли хужайра ўлчашларининг кичраиб қолишидир. Издан чиққан функцияларнинг аналитик, гистологик ва субмикроскопик доираларда бошланадиган адаптация ва

компенсацияси булардан ташқари, хужайралар ичида бўлиб ўтадиган регенерация ва гиперплазия тушунчалари билан маҳкам боғланган.

3. Ирсий касалликлар. Этиологияси. Доминант ва рецессив тарзда наслдан ўтадиган касалликлар. Хромосома касалликлари. Ирсий касалликлар профилактикаси. (2 соат)

Кўпайиш турлари ва эмриология асослари ҳақида тушунча. Ирсий касалликлари: полиген, моноген ва хромосомал.

Ирсий касалликларга хромосомал ва ген мутациялари билан кечувчи касалликлар киради. Ирсиятни материал ташувчиси ДНК эканлиги маълум бўлгач ирсий касалликларни ривожланишида мутациянинг аҳамияти аниқ бўлди. Ирсиятнинг бирлиги ген бўлиб улар ёрдамида хужайрадан хужайрага ирсий информациялар ўтказилади. Генлар хромосомаларда жойлашган ДНКдан ташкил топган бўлиб ҳар бир ген унда ихтисослашган пурин ва пиримидин нуклеотидларнинг ДНК молекуласидаги кетма-кетлиги билан кодланган.

Бу код бошқа генда такрорланмайди. Ген информациясининг бирлиги эса кодон деб аталади. Кодон учта туташ нуклеотидлар гуруҳидан иборат бўлиб ҳар бир кодон полипептид занжиридаги битта аминокислотани белгилайди. Генетик код триплет ҳисобланади. Бу мавзун баён этишда аутосом доминантлик ирсий касаллик, аутосом рецессив касалликлар, лизосомал ва хромосомал касалликлари баён этилади.

4. Яллиғланиш. Этиологияси. Патогенези. Ўткир ва сурункали яллиғланиш турлари. (2 соат)

Тирик жон борки, унга хос хусусиятларнинг бири у ёки бу турдаги таъсиротга жавобан тегишли реакция кўрсатишдир. Бу реакциялар нихоят даражада хилма – хил бўлиб, уларнинг тури таъсиротнинг табиатига, тирик жонўтнинг тузилиш хусусияти ва айрим тўқималарнинг хусусиятларига боғлиқдир. Яллиғланиш тўғрисида тушунча этиологияси, патогенези. Яллиғланиш белгилари, турлари яллиғланиш ривожланишида лимфа фагоцитар тизимлар аҳамияти. Яллиғланиш медиаторлари.

Яллиғланишнинг 2 тури тафовут этилади: ўткир ва сурункали яллиғланиш, булар яллиғланиш реакциясининг таиати, этиологияси, патогенези ва морфологияси жихатидан бир – биридан фарқ қилинади. Ўткир яллиғланиш қисқа муддат (бир неча минутдан бир неча кунгача) давом этиши, экссудат реакция бошланиб, плазма суюқ қисми ва оқсилларнинг томирлардан чиқиши, лейкоцитлар, асосан нейтрофиллар кўчиши билан тарифланади. Сурункадли яллиғланиш учун унинг узок давом этиб бориши, яллиғланиш инфилтратиди лимфоцитлар билан макрофагларнинг кўп бўлиши, қон томирлар ва бириктирувчи тўқимада пролиферация бошланиши хосдир.

5. Ўсмалар. Этиологияси. Атипизм ҳақида тушунча. Ҳавфли ва ҳавфсиз ўсмалар. Ўсмалар классификациясининг гистологик белгилари. (2 соат)

Ўсмалар, этиологияси, патогенези. Ўсмаларнинг тузилиши. Ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмаларнинг ўзига хос хусусиятлар.

Ўсмалар ўсиши. Ўсмалар ўсишининг биологик хусусияти. Ўсмалар ўсиши ҳақида тушунча. Ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмаларни таққослаш. Ўсмалар этиологияси ва патогенези.

6. Иммунопатологик жараёнлар. Трансплантантни итариш реакцияси. Аутоиммун касалликлар. Иммунодефицит ҳолатлар. ОИТС. (2 соат)

Одам организмида антиген деб аталувчи ёд моддалар вужудга тушишига қарши аниқ шаклланган ҳимоя тизими бор. Бу тизимга бир қанча табиий тўсиқлар киради; 1чи тўсиқ (барьер) тери, шиллиқ қават, қўшувчи тўқима, қатор аъзолар (талок, лимфатиктуғунлар, жигар) маноцитар-макрофагал тизим. Лекин бундай пасив ҳимоя, организм учун етарли бўлмаганлиги сабабли асосий ҳимоя воситаси бўлиб хужайра ҳисобланади.

Иммун реакциларни ривожланишида иммунокомпитент хужайралар (Т-лимфоцитлар, В-лимфоцитлар, макрофаглар) табиий киллерлар, цитокининлар ва асосий келишувчанлик комплексининг генлари иштирок этади.

7. Юқумли инфекцион касалликлар. Этиологияси ва патогенези. Вируслар қўзғатадиган касалликлар. Грипп, парагрипп. Аденовируслар, респиратор. Дифтерия. Қизамиқ. Бактериялар қўзғатадиган касалликлар. Қорин тифи. Сальмонеллёз. Дизентерия. (2 соат)

Одам вужудига патоген факторларнинг кириши натижасида келиб чиққан касалликлар катта гуруҳни ташкил этади, Вируслар, бактериялар, замбуруғлар келтириб чиқарувчи касалликларни инфекцион касалликлар деб аталса, содда хайвонлар, гижжалар келтириб чиқарувчи касалликларга инвазив ёки паразитал касалликлар деб аталади. Бу мавзуни баён этишда қўйидагилар кўриб чиқилади: ўткир респиратор вирусли инфекциялар, бактериялар ва вируслар келтириб чиқарувчи касалликлар ўта хавфли инфекциялар патоген замбуруғлар ва содда хайвонлар келтириб чиқарувчи касалликлар

8. Ўта хавфли инфекцион касалликлар. Вабо. Тоун. Куйдирги. Заҳм. Патоген замбуруғлар қўзғатадиган касалликлар. Содда хайвонлар қўзғатадиган касалликлар. (2 соат)

Ўта хавфли инфекцион касалликлар: вабо, таун, куйдирги, сил, заҳми этиологияси, патогенези, белгилари, оқибатлари. Патоген замбуруғлар қўзғатадиган касалликлар микозлар деб аталади. Этиологияси, клиник кўринишлари ва морфологик хусусиятлари жихатидан бир – биридан фарқ қиладиган турли хил касалликлардир. Буларга дерматомикозлар, висцерал, микозлар, кандидоз, антиномикоз, моғор мижозлари, кандидозлар киради.

9. Юрак қон – томир тизими. Юракнинг ишемик касаллиги. Миокард инфаркти. Юрак пароклари. Гипертония касаллиги. Атеросклероз. (2 соат)

Юрак қон – томир касалликлари орасида энг кўп ўлимга олиб келаётганлари, бу юракнинг ишемик касаллиги, у эса ўз ичига биринчи навбатда, юрак хуружи, стенокардия, миокарднинг инфарктини олади. Юрак қон – томир тизими хасталикларининг ўлимга олиб келувчи бошқа касалликларига: юракнинг ревматик шикастланиши, гипертония касаллиги, юракнинг туғмава орттирилган пароклари ва бошқалар киради. Бунда юрак – томир касалликларининг асосини ташкил этувчи тож томирлари атеросклерози, юрак қопқоқларининг турли нуқсонлари, юрак иши етишмовчилиги ва периферик томирлар касалликларининг этиологияси ва патогенезига, морфологиясига оид медицинанинг охириги ютуқлари ҳақида маълумотлар берилади.

10. Асаб тизими касалликлари. Цереброваскуляр касалликлар. Ишемик энцефалопатия. Бош мияга қон қуйилиши. Менингит. Энцефалит. Асаб тизимининг дегенератив касалликлари. Альгеймер касаллиги. Паркирсонизм. (2 соат)

Бош ва орқа мия турли бўлимларининг ўзига хос тузилиши, асаб тизими касалликларининг турли – туманлигига асос солади. Асаб тизими патологияси, висцерал аъзолар патологиясидан қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Асаб тизими касалликлари ичида цереброваскуляр касалликлар аҳолининг ногирон бўлиб қолишига ва ўлимига олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Бош мия томир шикастланишларининг учта асосий шакли тафовут қилинади: ишемик (томир) энцефалопатияси, бош мия инфаркти (ишемик инсульт), бош мияга қон қуйилиши. Инфекцион касалликларига менингитлар, энцефалитлар, бош мия абсцесси вирусли шикастланишлари киради. Бунда асаб тизимининг дегенератив касалликларидан Альгеймер касаллиги, паркинсонизм ҳақида ҳам етарли маълумот берилади.

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим мавзулари	Мустақил таълимга оид бўлим топшириқ ва тавсиялар	Бажарилиш муддатлари	Ҳажми
1	2	3	4
72	24	Семистр 72 соат	3

II. Амалий машғулотларни ташкил этишга доир мавзулар, кўрсатма ва тавсиялар: (ҳар бир амалий машғулотга 2 соатдан ажратилган)

№	Амалий машғулотлар ишининг номи	Амалий машғулотлар бажариш учун зарур бўлган асбоб – ускуна реактив ва материаллар	Адабиётга кўрсаткич
1.	Меъёрий ва патологик анатомия, физиология ва патологик физиология фанлари ва уларнинг тиббиётдаги аҳамияти. Текшириш усуллари. Ушбу фанлар ривожланишининг қисқача тарихи.	Микроскоп билан танишиш ва турли тўқималардан тайёрланган препаратларни микроскоп ёрдамида кўриш.	1, 2, 3
2.	Хужайра тузилиши ва фаолияти. Тўқималар тузилиши, жойлашуви ва фаолияти.	Микроскоп остида ҳайвонлар хужайраси билан ўсимлик хужайрасини таққослаш.	1, 2, 3
3.	Касаллик ҳақида тушунча. Этиология ва патогенез. Касаллик ва унинг даврлари. Компенсатор жараёнлар.	Мавзуга оид макропрепаратлар билан танишиш.	1, 2, 3
4.	Хужайра альтерацияси. Этиологияси. Хужайра дистрофияси. Турлари (оксилли, ёғли, углеводли).	Микроскоп остида меъёрий ва патологик ҳолатдаги эпителий, қон, мушак ва асаб тўқималарини солиштириш.	1, 2, 3
5.	Тўқималар альтерацияси. Мезенхимал дистрофиялар (оксилли, ёғли, углеводли, аралаш). Пигмент алмашинувининг бузилиши (НВ – ген, липидоген, протеиноген). Кальций алмашинуви бузилиши. Тошнинг ҳосил бўлиши.	Макропрепаратларда тажриба ҳолатларни кўрсатиш. Жадваллардан фойдаланилади.	1, 2, 3
6.	Адаптоген ва компенсатор жараёнлар. Гипертрофия, атрофия, гиперплазия, метаплазия, дисплазия.	Муляжлар ва таблицалардан фойдаланилади.	1, 2, 3
7.	Қон айланиши ва лимфа айланишининг бузилишлари. Артериал ва веноз гиперемия. Ишемия. Стаз. Тромбоз. Эмболия.	Тажриба: ҳайвонларда артериал ва веноз гиперемияни ҳосил қилиш. Тажриба: ҳайвонлар ишемия ҳолатида қон айланиш ҳолатини ўрганиш. Тажриба: 2. бақаларда ёғли эмболияни юзага келтириш ва чарвида қон айланишни ўзгаришини кузатиш	1, 2, 3

8.	Яллиғланиш. Этиологияси. Патогенези. Ўткир ва сурункали яллиғланиш. Яллиғланиш турлари.	Тажриба: Конгейм тажрибасида яллиғланиш ҳолатида кон томирлари реакцияси ва уларнинг белгиларини ўрганиш. Тажриба: 1. Данилевский тажрибасида лейкоцитлар эмиграциясини кузатиш. 2. Экссудат билан трансудат фарқларини кузатиш	1, 2, 3
9.	Иммунопатологик жараёнлар. Аллергик реакция турлари. Трансплантатни итариш реакцияси. Аутоиммун касалликлари. Иммунодефицит ҳолат. ОИТС. Заҳм, гонорея.	Жадваллар асосида дарс олиб борилади	1, 2, 3
10.	Ўсмалар. Этиологияси. Патогенези. Атипизм. турлари. Хавfli ва хавфсиз ўсмаларга хос хусусиятлар.	Макропрепаратларда тажриба ҳолатларни кўрсатиш. Жадваллардан фойдаланилади.	1, 2, 3
11.	Ирсий касалликлар. Этиологияси. Патогенези. Доминант ва рецессив йўл билан ирсийланадиган касалликлар.	Плакатлар ва жадваллардан фойдаланилади.	1, 2, 3
12.	Қон патологияси. Анемия. Таснифи. Постгеморрагик, гемолитик, дефицит анемиялар. Лейкоз. Ўткир ва сурункали лейкоз. Геморрагик диатезлар.	Таблицалар, жадваллардан фойдаланилади.	1, 2, 3
13.	Юрак – қон томир касалликлари. ЮИК. Стенокардия. Миокард инфаркти. Ревматизм. Юрак пороклари. Атеросклероз.	Макропрепаратлар, жадваллар ва тарқатма материаллардан фойдаланилади.	1, 2, 3
14.	Нафас системаси касалликлари. Ринит, ларингит, бронхит, бронхиал астма, зотилжам, ўпка ўсма касаллиги.	Жадваллар ва муляжлардан фойдаланилади.	1, 2, 3
15.	Меъда ичак йўли касалликлари. Қизилўнғач дивертикуласи. Эзофагит. Қизилўнғач веналарининг варикоз кенгайиши. Гастрит (ўткир, сурункали). Меъда ва ЎБИ яра касаллиги. Меъда ўсмаси. Спру, Уиппл касаллиги, ичак ўсмаси. Полиплар. Аппендицит.	Макропрепаратлар, жадваллар ва тарқатма материаллардан фойдаланилади.	1, 2, 3
16.	Жигар, ўт пуфаги ва меъда ости безлари касаллиги. Этиологияси, патогенези. Гепатитлар. Жигар циррози. Жигар раки. Сариқлик синдроми. Портал гипертензия. Холецистит. Ўт пуфаги тоши касаллиги. Панкреатит.	Жадваллар ва муляжлардан фойдаланилади.	1, 2, 3
17.	Буйрак касалликлари. Этиологияси, патогенези. Гломерулонефрит. Пиелонефрит. Буйрак етишмовчилиги (ўткир ва сурункали). Буйрак тош касаллиги. Гидронефроз.	Жадваллар ва муляжлардан фойдаланилади.	1, 2, 3
18.	Инфекцион касалликлар. Этиологияси. Патогенези. Ўткир респиратор касалликлар. Бактериялар чақирадиган касалликлар. Дифтерия, скарлатина, қорин тифи,	Жадваллар асосида дарс олиб борилади	1, 2, 3

	сальмонеллёз, дизентерия. Ўта хавфли инфекциялар. Вабо, куйдирги, ўлат. Сил касаллиги.		
19.	Эндокрин системаси патологияси. Акромегалия, Ишенко – Кушинг касаллиги ва синдроми. Қандсиз диабет, қандли диабет. Тиреотоксикоз. Микседема. Адиссон касаллиги. Феохромоцитома. Гиперальдостеронизм. Адреногенитал синдром.	Стенд, плакат, муляжлар ва расмлардан фойдаланилади.	1, 2, 3
20.	Нерв системаси касалликлари. Этиологияси. Патогенези. Ишемик энцефалопатия. Бош мия инфаркти. Менингит. Энцефалит. Бош мия абсцесси. Альцгеймер касаллиги. Паркинсонизм. Нерв системасининг ўсма касаллиги.	Мавзуга оид муяжлар ва плакатлардан фойдаланилади.	1, 2, 3

III. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил ишларни реферат, тест, жадвал, вазиятли масалалар шаклда амалга оширилади. Ҳар бир мавзуга 2 соатдан ажратилган.

Реферат шаклида:

1. Бириктирувчи тўқима.
2. Компенсатор жараёнлар.
3. Ички аъзолар ёғли дистрофияси.
4. Амилоидоз.
5. Ўлим, турлари. Белгилари.
6. Қон томир девори шикастланиши ва ўтказувчанлигининг бузилиши билан боғлиқ қон айланишини бузилишлари.
7. ДВС синдроми.
8. Яллиғланиш медиаторлари.
9. Ревматоидли артрит.
10. Иккиламчи туберкулёз.

Жадвал шаклида:

11. Морфан касаллиги. Ренлингхаузен нейрофиброматози.
12. Ўсмалар таснифи. Ўсмаларнинг организмга таъсири.
13. Сурункали лейкозлар.

Тест шаклида:

14. Кордиомиопатиялар.
15. Крупоз зотилжам касаллиги.
16. Йўғон ичак ўсмаси.
17. Жигарни алкаголли шикастланиши (Алкаголли гепатит).

Слайд шаклида:

18. Буйрак поликистози.
19. Қандли диабет.
20. Бош мияга қон қуйилиши.

Дастурнинг инфорацион-методик таъмиоти

Тиббий фанлар асослари фанини ўзлаштиришда ажратилган соатлар учун лаборатория машғулоти ва маъруза дарслари таълимнинг замонавий (хусусан интерфаол, бумеранг, ақлий хужум) методлари педагогик ва ахборот-коммуникация (медиа таълим, амалий дастур пакетлари, электрон-диалектик) технологияларни қўллаш орқали олиб борилади.

БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ.

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276-сонли буйруғига асосан ўтказилган.

Назорат турлари бўйича баллар тақсимооти тиббиёт олий таълим муассасалари учун тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари Раёсати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари учун Илмий кенгаш қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланди. Талабаларнинг билимини баҳолаш 100 балли (% ли) баҳолашнинг кафедрада ишлаб чиқилган рейтинг тизими асосида олиб борилади.

Талабаларнинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш ўқув йили давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- Жорий баҳолаш (ЖБ)
- Оралик баҳолаш (ОБ)
- Якуний баҳолаш (ЯБ)

Тиббий фанлар асослари фани бўйича талабанинг ўқув йили давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимида баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

№	Баҳолаш тури	Максимал балл	Коэффициент	Саралаш бали
1	Аудиториядаги ўқув машғулотларини баҳолаш	50	0,45	24,7
2	Талабанинг мустақил иши	5	0,05	2,8
3	Оралик баҳолаш	30	0,2	11,0
4	Якуний баҳолаш	15	0,3	16,5
	Жаъми:	100	1	55,0

1 ва 2- турлар қўшилиб жорий баҳолаш (ЖБ) ни ташкил қилади

Талабалар билимини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлар инобатга олинади:

№	Ўзлашти-риш (%) ва балларда	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1	86-100	Аъло “5”	Хулоса ва қарор қабул қилиш; Ижодий фикрлай олади; Мустақил мушоҳада юритиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш Амалий ишларни аъло даражада бажарилиши;

2	71-85	Яхши “4”	Мустақил мушоҳада қилиш; Амалда қўллай олиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш; Амалий машғулотларни яхши бажаради;
3	56-70	Қониқар-ли “3”	Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш; Амалий машғулотларни қониқарли даражада бажарилиши;
4	0-55	Қониқар-сиз “2”	Аниқ тасаввурга эга эмаслик; Билмаслик; Амалий машғулотларни бажаришни билмайди;

Талаба дарсга келиб унга мутлақо тайёрланмаганида ва муҳокамада иштирок этмаганида -10-20 балл қўйилади.

Ҳар бир баҳолаш турлари (ЖБ, ТМИ, ОБ, ЯБ) бўйича баҳолар 100 % (балл) ҳисобидан аниқ мезонлар асосида қўйиб борилади, ўртача қиймати ҳисобланиб тегишли коэффициентга кўпайтирилади ва баллари аниқланади.

Талабанинг фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир баҳолаш турларида тўпланган баллар йиғиндисига тенг бўлади.

ЖОРИЙ БАҲОЛАШ (ЖБ)

ЖБ да фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билими ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш кўзда тутилади ва у амалий, семинар ёки лаборатория машғулотларида амалга оширилади. Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив услубларида қатнашишнинг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланади.

ОРАЛИҚ БАҲОЛАШ

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади

ОБ бир маротаба семестрнинг ўртасида ўтказилади. ОБ га ўқув машғулотлардан қарзи бўлмаган талабалар қўйилади.

ОБ кафедрада ёзма иш, тест, оғзаки суҳбат шаклларида ёки уларнинг комбинацияларида ўтказилади. ОБ бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55% дан кам балл тўплаган талаба ЯБ га қўйилмайди.

ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ

ЯБ да талабанинг билим, кўникма ва малакалари Тиббий фанлар асослари фанининг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯБ фан бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг ўтказилади.

ЖБ, ТМИ ва ОБ га ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯБ да иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

ЯБ ўтказиш шакли – тест.

Республика Фан олимпиядасида қатнашиб, фахрли ўринни олган талаба, ғолиб бўлган фанидан шунингдек, йил давомида фақат аъло баҳоларга ўзлаштирилган иқтидорли талабалар кафедра тавсиясига асосан ЯБ топширишдан озод этилади ва унга ЯБ нинг максимал бали қўйилади.

Талабанинг балларда ифодаланган ўзлаштириши қуйидагича баҳоланади:

- 86-100 балл – аъло
- 71-85 балл – яхши
- 55-70 балл – қониқарли

Саралаш бали 55 бални ташкил қилади.

ЖБ, ОБ ва ЯБ турларида фанни ўзлаштира олмаган (55% дан кам балл тўплаган) ёки узрли сабаб билан баҳолаш турларида иштирок эта олмаган талабаларга қуйидаги тартибда қайта баҳолашдан ўтишга рухсат берилади:

- қолдирилган амалий машғулоти келгуси дарсга қадар гуруҳ ўқитувчисига топширилади, 3 та машғулоти қолдирган талаба факультет декани рухсати билан қайта топширади. Қайта топшириш жаридасида қайд қилинади;

- ҳар бир қолдирилган маъруза машғулоти учун агар қайта топширилса, ЖБ да тўпланган баллар йиғиндисидан 5 баллдан, агар қайта топширилмаса 10 баллдан олиб ташланади;

- ОБ ни 2 ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади ва бали коэффициентсиз қайд этилади.

- ўқув йили якунида фан бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.

- академик қарздор талабаларга ўқув йили тугаганидан кейин декан рухсатномаси асосида қайта ўзлаштириш учун- 2 ҳафта муддат берилади. Шу муддат давомида ўзлаштира олмаган талаба белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талабалар ЯБ натижалари бўйича апелляция комиссиясига 3 аъзодан кам бўлмаган тартибда ректор буйруғи билан ташкил этилади. Талабалар апелляция комиссиясига фан бўйича ЯБ натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун давомида ариза билан мурожат қилишлари мумкин. Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини беради.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Фандан рейтинг назорати бўйича якунловчи қайднома варақаси (ведомость) фан тугаган кундан 1 кун муддатда кафедрада 2 нусхада тўлдирилади ва масъул ходим, кафедра мудири томонидан имзоланиб, 1 нусхаси деканатга топширилади.

Талабанинг фан бўйича баҳолаш турларида тўплаган баллари рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режасида ажратилган соат” устунига фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, “Фандан олинган баҳо” устунига эса, талабанинг мазкур Низомнинг 3.1 - бандига мувофиқ 100 баллик тизимидаги ўзлаштириш бали қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши “Рейтинг дафтарчаси” да қайд этилмайди.

Деканат ва кафедра томонидан белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ЖБ, ОБ, ҳамда ЯБ турларида кўрсатилган ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичлари мониторинги олиб борилади. Ўзлаштириш натижалари кафедра томонидан рейтинг назорати экранда мунтазам равишда ёритиб борилади ва белгиланган тартибда қайдномаларга киритилади. Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда тўлдириш вазифаси кафедра мудири зиммасига юклатилади.

**ТАЛАБАНИ ФАН БЎЙИЧА АТТЕСТАЦИЯДАН
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**
(намуна)

ЖБ (20 та дарс) к= 0,5	ЖБ ўртача қиймати – (65+75+80+80+75+70+75+75+65+75+85+ +75+85+75+80+75+80+80+75) / 19 = 76,0 балл ЖБ бали = 76,0 * 0,5 = 38 балл
ТМИ(20 та) к= 0,05	ТМИ ўртача қиймати – (75+80+85+80+85+80+75+70+85+80+85+75+70+75+ +80+85+80+85+80) / 19 = 79,5 балл ТМИ бали = 79,5 * 0,05 = 4,0 балл
ОБ к= 0,3	ОБ = 79 * 0,3 = 23,7 балл
ЯБ к= 0,15	ЯБ = 84 * 0,15 = 12,6 балл
Фандан олинган баҳо	ЖБ+ТМИ+ОБ+ЯБ=38 + 4,0 + 23,7 + 12,6 = 78,3 балл (яхши)

Фан бўйича рейтинг дафтарчасини расмийлаштириш тартиби

№	Фан номи	Умумий соат	Максимал балл	Ўтланган балл	Баҳо	Ўқитувчининг Ф.И.Ш	Сана	Имзо
1	ТФА	60	100	78,3	яхши	Миртурсунова С.З.	9.06.10	

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

АСОСИЙ

1. И.Х.Абдуллаев, Х.Е.Каримов. Патологик физиология. Тошкент 1998 й.
2. Х.Я.Каримов, Н.Х.Абдуллаев. Патологик физиологиядан амалий қўлланма. Тошкент 1994 й.
3. А.Д.Адо ва Л.М.Ишимова. Патологическая физиология. Медицина 1980 й.
4. Д.Абдуллахужаева М.С, Основы патологии человека. Т-1,2. Т.Ибн Сино 1997 й.
5. С.З.Миртурсунова. Патологик физиологиядан маърузалар матни. Тошкент 2000 й.

ҚЎШИМЧА

1. Эйнгорн А.Г. Патологическая анатомия и патологическая физиология М. Мед. 1983 й

